



ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ КОРХОНАЛАРНИНГ РЕСПУБЛИКА ЭНЕРГЕТИКА СОҶАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

Саиткамолова Саодат Собирходжаевна
Тошкент давлат техника университети

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон иқтисодиётининг ўсишига энергетика ресурсларининг таъсири таҳлил қилинади. Электр станцияларининг ўрнатилган қуввати ва турли иқтисодий соҳаларда электр энергиясининг истеъмол қилиниши бўйича маълумотлар таҳлил қилинади. Альтернатив энергия манбаларининг ўсиши ва уларнинг умумий энергетика балансига қўшган ҳиссаси кўриб чиқилади.

Калит сўзлар: энергетика ресурслари, иқтисодий ўсиш, электр станциялари, альтернатив энергия, Ўзбекистон, энергия истеъмоли.

РОЛЬ ПРЕДПРИЯТИЙ ПО ПРОИЗВОДСТВУ ЭЛЕКТРОЭНЕРГИИ В РАЗВИТИИ ЭНЕРГЕТИКИ РЕСПУБЛИКИ

Саиткамолова Саодат Собирходжаевна
Ташкентский государственный технический университет

Аннотация. В статье анализируется влияние энергетических ресурсов на экономический рост Узбекистана. Основное внимание уделено анализу данных по установленной мощности электростанций и потреблению электроэнергии в различных экономических секторах. Рассматривается рост альтернативных источников энергии и их вклад в общий энергетический баланс страны.

Ключевые слова: энергетические ресурсы, экономический рост, электростанции, альтернативная энергия, Узбекистан, энергопотребление.

THE ROLE OF ELECTRICITY PRODUCING ENTERPRISES IN THE DEVELOPMENT OF THE ENERGY SECTOR OF THE REPUBLIC

Saitkamolova Saodat Sobirkhodjaevna
Tashkent State Technical University

Abstract. The article examines the impact of energy resources on the economic growth of Uzbekistan. It focuses on analyzing the data related to the installed capacity of power stations and the consumption of electricity in various economic sectors. In addition, the article considers the growth of alternative energy sources and their contribution to the overall energy balance of the country.

Keywords: energy resources, economic growth, power stations, alternative energy, Uzbekistan, energy consumption.

Кириш.

Республикамиз иқтисодиётининг барқарор ривожланаётган бир даврда аҳолининг турмуш тарзини яхшилаш, фаровонлигини ошириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантиришда ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёжни қондириш муҳим аҳамиятга эга бўлган бугунги давр муаммоларидан бири ҳисобланади. Бу борада юртбошимиз томонидан бир қанча қарорлар, қонунлар ишлаб чиқилмоқдаки, барчаси аҳоли турмуш тарзини яхшилашга, фаровонлигини оширишга, мамлакатимиз иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани ривожлантиришга қаратилгандир.

Бугунги кунда энергетика соҳаси исталган мамлакат тараққиётининг асосларидан бири ҳисобланадиган соҳалардан биридир. Ўзбекистон ўз энергетик ресурслари ҳисобидан эҳтиёжларини тўлиқ таъминловчи мамлакатлар қаторига киради. Марказий Осиё бирлашган энергетика тизимидаги электр энергияси ишлаб чиқариш қувватларининг салмоқли ҳиссаси мамлакатимизга тегишлидир. Иқтисодиётни ривожлантириш, аҳолининг қулай ҳаёт кечириши, таълим, тиббий хизмат, ижтимоий таъминот, коммунал хўжаликнинг мўтадил фаолияти учун имкониятлар айнан шу соҳада яратилади. Аммо бугун соҳани бозор иқтисодиёти йўлига ўтказмай туриб, улкан энергетика инфратузилмасини ишчан ҳолатда сақлаб туриш, боз устига, электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажмларини ошириш мушкул. Фақатгина электр станциялар, электр тармоқлари ва энергетика инфратузилмасининг ўзга муқобилларини қуриш ва ишлатиш борасида энг замонавий ютуқларни қўллабгина қўйилган мақсадларга эришиш мумкин.

2030 йилга бориб Ўзбекистон бугунгидан кўра 2 баробар кўпроқ электр энергияси ишлаб чиқаришга эришибгина иқтисодиёт ва аҳоли эҳтиёжларини қаноатлантириш, бошқача айтганда, мамлакат энергия хавфсизлигини таъминлаш мумкин.

«Ўзбекистон – 2030» (Қарор, 2022) стратегияси ва уни 2023 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари лойиҳаларида «Яшил иқтисодиёт»га ўтиш, унинг асоси бўлган қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш кўрсаткичларини кескин ошириш бўйича ҳам қатор мақсадлар белгилаб қўйилган. Шу жиҳатдан олганда ҳам, илмий мақола мавзуси долзарб ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи.

Юқори ишлаб чиқариш самарадорлигига эришиш учун маълум шартлар зарур. Шундай қилиб, Пушкин (2003) тадбиркорлик фаолияти учун шарт-шароитларни тўрт гуруҳга ажратди: ишлаб чиқариш, иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий.

Маршалл (1993) самарадорликни ошириш тадбиркорлик фаолиятидаги ресурслар билан боғлиқлигини таъкидлайди: "...тадбиркорлар ишлаб чиқаришнинг у ёки бу ресурсларини доимий равишда турли янгиликларни ёки бошқа ишлаб чиқариш омилларини синовлардан ўтказиб кўришади ва улардан ўзлари учун енг фойдалисини амалда қўллашади".

Ўзбекистонлик олимлардан иқтисодий самарадорликнинг назарий ва амалий масалаларига оид кўплаб олимлар ўз тадқиқотларини бағишланган. Хусусан и.ф.д., профессор Пардаев, и.ф.н., профессор Абдукаримов (2007) каби етакчи олимларимиз ўз илмий изланишлари натижасида "Самарадорлик-бу содир бўлаётган бирор иқтисодий жараённинг қандай натижа билан яқунланганини ифодалайди" деб изоҳ беради.

Шунингдек, бу олимлар томонидан "иқтисодий самарадорлик" тушунчалари атрофлича ўрганилган ва қуйидагича изоҳланган: "иқтисодий самара ишлаб чиқариш жараёнида яратилган иқтисодий нематлар ҳажми билан ифодаланади. Иқтисодий самарадорликнинг мезони харажатлар билан эришилган иқтисодий нематлар муносабатидир. Ишлаб чиқариш жараёнида маълум харажатлар қилинади ва унинг натижасида маълум миқдордаги неъматлар яратилади. Харажат билан натижани

таққослаш орқали иқтисодий самарадорлик ифодаланади” (Абдукаримов, Жабриев ва б. 2005) деб изоҳланади.

Абдурахмонов (2001) “Ҳар қандай фаолият туридаги самарадорлик пировард натидажа маҳсулот ёки хизматлар бирлигини ишлаб чиқаришга сарфланадиган вақт билан ўлчанади, бунда маҳсулот ва хизматлар сифатига қўйиладиган талабларга катта эътибор берилади”.

Ўлмасовнинг (2006) фикрича, “Самарадорлик бу кўрсатилган хизматларнинг провард натижасига караб белгиланади ва бу натижа қилинган ҳаражатлари билан таққосланиши шарт. Бу ерда пировард натижа – бу хизматларнинг пулда ҳисобланган қиймати.

Ўлмасов ва Ваҳобовларнинг (2014) фикрича, “самарадорлик – ресурс сарфлари билан ишлаб чиқаришдан олинган натижани таққослашни билдиради, яъни нима сарфлаб нимага эришилганлигини кўрсатади. Самарадорлик аниқланганда яратилган маҳсулотлар ва хизматлар қиймати билан ресурсларнинг сарфи таққосланади”.

Иқтисодчи олим Ражабов (2006) фикрича, “Самарадорлик тушунчаси бу ишлаб чиқариш жараёни пировард натижаларини ўзида акс эттирувчи иқтисодий кўрсаткич сифатида тушунилиши лозим. Иқтисодий самарадорлик моҳияти нафақат ишлаб чиқариш натижалари ва ҳаражатлар ўртасидаги арифметик рақамлар билан, балки фойдали натижаларга эришиш йўлида ҳаражатлар миқдорини камайтириш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш, тақсимот ва айирбошлаш муносабатлари орқали ифодаланади. Ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳаражатлар ва натижалар ўртасидаги арифметик нисбатгина бўлмасдан, балки ишлаб чиқариш муносабатларини акс эттирувчи иқтисодий атама...” ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Ёқилғи энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёжни таъминланишининг яхшиланиши мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотини ўсишида ҳам муҳим аҳамият касб этади. Қуйида келтирилган жадвалда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг ишлаб чиқарилишининг йиллар кесимидаги таҳлилин кўришимиз мумкин.

1-жадвал

Электр станцияларнинг ўрнатилган қуввати, MegaWatt

Электр станциясининг тури	2018	2019	2020	2021	2022*
Ўзбекистон Республикаси	14 191,4	15 939,4	16 643,0	16 493,3	17658,9**
<i>шу жумладан</i>					
<i>электр станция тури</i>					
иссиқлик станциялари (ИС) ва иссиқлик электр станциялари (ИЭС)	12 276,5	14 031,9	14 620,4	14 440,3	15 232,3
Гидроэлектр станцияси (ГЭС)	1 914,9	1 907,5	2 020,6	2 051,9	2 225,2

Ушбу жадвалда иссиқлик станциялари(ИС), иссиқлик электр станциялари(ИЭС) ва гидроэлектр станцияларининг ўрнатилган қувватини келтирилган бўлиб, таҳлил қиладиган бўлсак, 2005 йилда ИС ва ИЭСларнинг қуввати 10750, ГЭСники 1709,0 Мега Ваттни ташкил этган, 2013 йилгача ИС ва ИЭСларнинг қуввати шу кўрсаткич оралиғида сақланиб турган ва 2015 йилгача 11335,4 га, 2016-2018 йилларда 12221,7-12276,5 оралиғида, 2019 йилдан кўтарила бошлаган ва 2022 йилга келиб 14232,3 Мега Ваттга етган. ГЭСники 2012-2017 йилларда 1822,2-1857,5 оралиғида бўлган, 2018-2019

йилларда 1914,9-1907,5гача кўтарила бошлаган, 2020 йилда 2020,6 га ва 2022 йилда эса 2225,2 Мега Ваттга етган. Бу ерда шуни таъкидлаб ўтиш керакки, республикаимиз миёсида қурилган ва қурилаётган қуёш ва шамол электр станцияларининг ҳам электр энергияси ишлаб чиқаришда ўрни катта ва бу иншоотлар электр энергиясини ишлаб чиқариш қувватини оширишда муҳим аҳамиятга эга бўляпти.

Республикаимиз миқёсида йилдан йилга ўсиб бораётган аҳолининг талаб ва эҳтиёжи кўпайишига, бевосита ишлаб чиқаришнинг ўсишига, бу эса ўз навбатида электр энергия истеъмолининг кўпайишига ҳам олиб келади.

2-жадвал

Соҳаларда электр энергия истеъмоли, (mln. kVt. Soat)

Номи	2018	2019	2020	2021	2022
Жами*	62 502,8	64844,0	69021,1	7451,7	76543,3
<i>Иқтисодий фаолият турлари бўйича</i>					
Саноатга	15 007,1	16967,3	18284,3	18683,3	21 324,1
Қурилишга	414,8	414,8	1448,0	1 566,0	1 072,3
Қишлоқ хўжалигига	18 053,9	15058,0	9202,4	944,5	6870,3
Транспортга	1 474,6	2115,0	1058,0	1122,3	1401,1
Тижорат корхоналари ва давлат идоралари	4 970,9	4970,9	5 238,9	7483,9	7175,3
Аҳолига	13 593,8	13478,8	15 549,5	15461,8	17 470,8
Бошқа соҳаларга	-	1170,0	1170,0	1 670,0	1 265,0

2-жадвалда электр энергиясининг соҳалар бўйича, яъни саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, тижорат корхоналари ва давлат идоралари, аҳолига ва бошқа соҳаларга сарф бўладиган энергия истеъмолининг йиллар кесимидаги таҳлили келтирилган. Бунда кўриш мумкинки, энг кўп электр энергия сарфи саноатга, қишлоқ хўжалигига, ҳамда аҳолига тўғри келади. Саноатни кўриб чиқадиган бўлсак, 2001 йилда бу кўрсаткич 18791,2 млн. кВсоатни ташкил этган бўлиб, 2015-2017 йилларда кўтарилган яъни, 20811,4-22298,4 млн. кВсоат оралиғида, 2018 йилдан саноатда энергия истеъмоли сусайиб, 2020 йилдан яна кўтарила бошлаган ва 2022 йилда яна 21324,1 млн. кВсоатга етган. Қишлоқ хўжалигида бу кўрсаткич- 2001 йилда 14753,9млн. кВсоатни ташкил этган бўлса, 2010-2017 йилларга келиб анча пасайган ва 2018 йилда энг баланди кўрсаткичга етган, яъни 18053,9 млн. кВсоатгача кўтарилган, 2019 йилдан яна пасая бошлаган ва бугунги кунга келиб, яъни 2022 йилда 6870,3 млн. кВт соатга етган. Транспорт соҳасини кўрадиган бўлсак, бу соҳадаги энергия истеъмоли 2001 йилда 1226,3 млн.кВтсоатни ташкил этган, 2005-2018 йиллар оралиғида кўтарилиб, пасайиб аста-секинлик билан 2019 йилда энг баланд кўрсаткичга кўтарилган, яъни 2115 млн. кВтсоатга етган ва 2020 йилдан яна энергия истеъмоли деярли икки баробарга камайган, 2022 йилда эса яна биров кўтарилиб 1401,1 млн.кВтсоатга етган. Тижорат корхоналари ва давлат идораларидаги энергия истеъмолини таҳлил қиладиган бўлсак, бу кўрсаткич йилдан-йилга кўтарилиб бормоқда, яъни 2001 йилда 1 783,7 млн. кВсоатга етган бўлса, 2016 йилда деярли 3 баробарга ошган ва 5242,3 млн. кВсоатга етган, 2022 йилга келиб тўрт баробарга ошган ва 7175,3 млн. кВсоатга етган. Аҳолининг энергия истеъмоли ҳам шундай йиллар давомида ўсиб бормоқда. 2001 йилда 4411,4 млн. кВсоат бўлган бўлса, 2010 йилга келиб 2,5 баробарга кўпайган, яъни 11449,3 млн. кВсоатга етган, 2020 йилда 15549,5 млн. кВсоатни ташкил этган бўлса, 2022 йилга келиб 17470,8 млн. кВсоатга етган. Сўнгги йилларда бошқа соҳаларда ҳам энергия истеъмоли мавжуд

бўлиб, 2019 йилдан бошлаб, 1170 млн. кВтсоат энергия истеъмол қилинган ва 2022 йилга келиб, 1265 млн. кВтсоатга етган.

3-жадвал

Электр энергия таъминоти, млн. кВтсоат

Кўрсаткич	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Ўзбекистон Республикаси	57605,2	60180,8	2502,8	64844,0	69021,1	74951,7	76 543,3

Электр энергиянинг 2016-2022 йиллар кесимида таъминотини кўриб чиқадиган бўлсак, 2016 йилда 57605,2 млн. кВтсоатни ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб яъни 2022 йилда 76543,3 млн. кВтсоатга етган.

4-жадвал

Худудлар кесимида энергосамарадорлик кўрсаткичлари (2022 й.)

Худудлар	Энергосамарадорлик %	Жами ЁЭРга нисбатан ёқилғига ҳаражатлар улуши (фоиз)	Жами ЁЭРга нисбатан электр энергиясига ҳаражатлар (фоиз)	Жами ЁЭРга нисбатан иссиқлик энергиясига ҳаражатлар (фоиз)
Ўзбекистон Республикаси	5,0	32,9	64,5	2,7
Қорақалпоғистон Республикаси	3,2	0,9	0,6	0,1
Андижон	1,9	0,4	2,0	0,04
Бухоро	4,1	1,3	2,3	0,1
Жиззах	3,5	0,4	1,0	0,1
Қашқадарё	4,0	2,5	0,6	0,0
Навоий	6,6	4,9	4,9	0,2
Наманган	1,8	0,6	0,6	0,01
Самарқанд	1,1	0,5	0,7	0,1
Сурхондарё	2,1	0,6	0,3	0,001
Сирдарё	1,8	0,3	0,3	0,01
Тошкент	6,4	7,6	6,7	0,2
Фарғона	2,4	0,9	1,5	0,3
Хоразм	3,7	0,6	1,0	0,1
Тошкент ш.	6,7	11,5	42,0	1,5

Худудлар кесимида энергосамарадорлик кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак, асосий энергосамарадорлик улуши Навоий, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрига тўғри келади, бу худудларда самарадорлик улуши 6,4-6,7 фоизни ташкил қилган бўлиб, жами ЁЭРга нисбатан ёқилғига, электр энергиясига, иссиқлик энергиясига нисбатан ҳаражатлар ҳам бошқа худудларга нисбатан анчагина юқоридир. Барча худудлардан ҳам энг катта кўрсаткич Тошкент шаҳрига тўғри келади, Бу ерга самарадорлик кўрсаткичи 6,7 фоизни ташкил этган бўлиб, жами ЁЭРга нисбатан ёқилғига ҳаражатлар 11,5 фоизни, электр энергияга нисбатан ҳаражатлар, 11,5 фоизни ва иссиқлик энергиясига нисбатан ҳаражатлар 1,5 фоизни ташкил этади. Ундан кейинги ўринга Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё ва Хоразм вилоятларини киритиш мумкин. Бу худудларда самарадорлик кўрсаткичлари 3,2-4 фоизни, жами ЁЭРга нисбатан ёқилғига нисбатан ҳаражатлар 0,6-1,3 фоизни, электр

энергиясига нисбатан ҳаражатлар 0,6-1 фоизни, иссиқлик энергиясига нисбатан эса ўртача 0,1 фоизни ташкил этади. Энг кам кўрсаткич Самарқанд вилоятига тўғри келади, бу ерда самарадорлик кўрсаткичи 1,1 фоизни ташкил этади. Жами ЁЭРга нисбатан ёқилғига ҳаражатлар улушининг энг кам кўрсаткичи Сирдарё вилоятига яъни 0,3 фоизни, жами ЁЭРга нисбатан электр энергияга бўлган ҳаражатлар Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида 0,3 фоизни ва жами ЁЭРга нисбатан иссиқлик энергиясига бўлган ҳаражатларнинг энг кам улуши Сурхондарё вилояти ҳудудига тўғри келади яъни, 0,001 фоизни ташкил этади.

5-жадвал

Муқобил энергия манбаларида электр энергияси ишлаб чиқариш,

млн.кВт.соат

Номи	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Қуёш электр станциялари томонидан ишлаб чиқарилган электр энергияси*	0,003	0,3	0,7	0,2	0,1	0,03	49,0	435,8
Шамол электр станциялари томонидан ишлаб чиқарилган электр энергияси*	-	-	-	-	15,5	-	1,2	-

Муқобил энергия манбалари бўйича электр энергиясини ишлаб чиқарилишини таҳлил қиладиган бўлсак, Қуёш электр станциялари томонидан ишлаб чиқарилган электр энергияси бўйича 2015-2020 йилларда деярли ўзгариш бўлмаган, яъни 0,003-0,03 млн.кВт.соат ишлаб чиқарилган, 2021 йилдан бошлаб 49 млн кВтсоат ва 2022 йилда эса 435,8 млн кВт соатга етган. Шамол электр станциялари томонидан ишлаб чиқарилган электр энергияси эса 2019 йилгача бўлмаган, 2019 йилда 15,5 млн. кВтсоатни ва 2021 йилда 1,2 млн. кВтсоат ишлаб чиқарилган.

Иқтисодий фаолият турлари кесимида энергия самарадорлик кўрсаткичларини тармоқлар кесимида кўриб чиқадиган булсак, энг катта кўрсаткич электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондитсиялашга тўғри келади, яъни 43,3 фоизни, ундан кейинги ўринда бошқа нометалл минерал маҳсулотлар ишлаб чиқариш ташкил этади, яъни 13,4 фоизни, энг кам кўрсаткич автомобиллар ва мотоцикллар савдосидан ташқари улгуржи савдосига тўғри келади, яъни 0,2 фоизни ташкил этади. Бу тармоқлардаги жами ЁЭРга нисбатан ёқилғига ҳаражатлар улушининг энг баланд кўрсаткичи металлургия саноатига тўғри келади яъни, 6,8 фоизни ташкил этади, энг кичик кўрсаткич соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолиятга туғри келади яъни, 0,03 фоизни ташкил қилади, жами ЁЭРга нисбатан электр энергиясига ҳаражатларнинг энг баланд кўрсаткичи электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондитсиялашга тўғри келади, яъни 43,4 фоизни ташкил этади, энг кам кўрсаткич фуқаролик объектларини қуриш, соғлиқни сақлаш соҳасидаги фаолиятга, Қоғоз ва қоғоз маҳсулотлари ишлаб чиқаришга тўғри келади, яъни 0,1 фоизни ташкил этади. Жами ЁЭРга нисбатан иссиқлик энергиясига ҳаражатларни кўрадиган бўлсак, деярли барча иармоқларда 0,01 фоизни ташкил этади, электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондитсиялашда эса энг юқори самарадорлик яъни, 1,4 фоизни ташкил этган.

Хулоса ва таклифлар.

Тадқиқот энергия ресурсларининг, жумладан, турли турдаги электр стансиялари (термоэлектр стансиялари, ГЭСлар) соҳасида олиб борилаётган тадқиқотларнинг

Ўзбекистон иқтисодий ривожланишига сезиларли таъсирини кўрсатади. Йиллар бўйича маълумотлар таҳлили электр станцияларининг ўрнатилган қуввати ортгани ва иқтисодиётнинг турли тармоқларида электр энергияси истеъмоли ортганини кўрсатмоқда, бу эса мамлакат ялпи ички маҳсулоти ўсишига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Қуёш ва шамол электр станциялари каби муқобил энергия манбаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Тадқиқот хулосаларига асосланган ҳолда, қуйидаги таклифлар амалга оширилди:

Мамлакатнинг умумий энергетика балансида қайта тикланувчи энергия манбаларининг улушини ошириш учун қуёш ва шамол электр станцияларини ривожлантиришга эътиборни кучайтириш.

Энергия сарфини камайтириш ва самарадорликни ошириш учун саноат ва бошқа тармоқларда энергия самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини амалга ошириш.

Энергетика инфратузилмасини модернизация қилиш ва ривожлантиришга, шу жумладан, янги электр станцияларини қуриш ва мавжудларини модернизация қилишга сармоя киритишни давом эттириш.

Энергия хавфсизлиги ва атроф-муҳитга таъсирни камайтиришга эътибор қаратган ҳолда барқарор ривожланиш сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни давом эттириш.

Бу таклифлар Ўзбекистондаги энергетика ҳолатини янада яхшилашга қаратилган бўлиб, бу иқтисодий ўсиш ва аҳоли турмуш сифатини яхшилашга хизмат қилади.

Адабиётлар / Литература/Reference:

Пушкин В.В. (2003) *Проблемы повышения эффективности сельскохозяйственного производства в предприятиях различных форм собственности и хозяйствования*/ В. В. Пушкин. -М.: АгриПресс, - 223 с.

Маршалл А. (1993) *Принципы экономической науки*. М., Т. 3. С. 81.

Пардаев М.Қ., Абдукаримов Б.А. (2007) *Корxonанинг иқтисодий салоҳияти таҳлили СамИСИ*. 154 б.

Абдукаримов Б.А., Жабриев А.Н., Пардаев М.Қ. ва б. (2005) *“Корхона иқтисодиёти”* -Т.: “ФАН” нашриёти.

Абдурахмонов Қ.Х. (2001) *“Мехнат иқтисодиёти ва социология”-“Ўқитувчи”* нашриёти. -78 б.

Ўлмасов А., Ваҳобов А. (2006) *“Иқтисодиёт назарияси”* –Т.: “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси.

Ўлмасов А., Ваҳобов А. (2014) *“Иқтисодиёт назарияси”* Тошкент “Иқтисод-молия”, 32-бет.

Ражабов И. (2006) *Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида агроресурслар бозори мувозанати ва ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги*. Дис. иқтисод фанлари доктори. Т. 11 бет.

Қарор (2022) *Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2030 йилгача Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтишига қаратилган ислохотлар самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги 02.12.2022 йилдаги ПҚ-436-сонли Қарори*.